

Аллоҳ билан машғул бўлишнинг савоби

16:47 / 27.03.2017 2507

Агар банда тонг оттирганда ва кеч киргизганда, барча ғами ёлғиз Аллоҳ бўлса, Аллоҳ таоло унинг барча ҳожатларини Ўз зиммасига олади. Уни қийнаб турган барча ғамларидан қутултиради. Қалбини Ўзининг муҳаббатига бўшатиб қўяди. Тилини Ўзининг зикрига банд қилиб қўяди. Аъзоларини Ўзининг тоатига машғул қилиб қўяди.

Агар банда тонг оттирганда ва кеч киргизганда, барча ғами дунё бўлса, Аллоҳ унга дунёнинг барча ғамларини, ташвишларини ва машаққатларини юклаб қўяди. Уни ўз ҳолига ташлаб қўяди. Қалбини Ўзидан буриб, махлуқларнинг муҳаббатига банд қилиб қўяди. Тилини Ўзининг зикридан буриб, махлуқларнинг зикрига машғул қилиб қўяди. Тана аъзоларини Ўз тоатидан буриб, махлуқларнинг хизматига ва тоатига банд қилиб қўяди. Кейин у ўша одамларнинг қўл остида тер тўкиб меҳнат қиладиган, доимо уларни рози қилиш учунгина яшайдиган бўлиб қолади.

Ҳар ким Аллоҳга бандаликдан, Унинг тоатидан, муҳаббатидан юз ўгирса, махлуққа қуллик қилиш, махлуқни яхши кўриш ва унга хизмат қилиш билан жазоланади. Бу ўзгармас қоидадир!

Аллоҳ таоло айтади: “Ким Роҳманнинг эслатмасидан шабкўр бўлиб олса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас, у унга доимий ҳамроҳ бўлур” (Зухруф, 36).

Шабкўрлик кундузи кўриб, кечаси кўрмай қолиш касалидир. Биз “шабкўр” деб таржима қилган сўз арабчада “яъшу” дейилиб, бу сўз баъзида кўриб, баъзан кўрмай қоладиган касалга ишлатилади. Оятдаги “Роҳманнинг эслатмаси”дан мақсад эса, Қуръон ва Исломдир. Ушбу оят таъкидламоқдаки, баъзи одамлар Қуръонга ва Исломга нисбатан шабкўр бўладилар. Бошқа нарсаларни кўриб, фарқлаб, тушуниб, керакли муомаласини қилаверадилар, аммо Қуръонга келганда, Исломга келганда, кўрмайдиган, эшитмайдиган, тушунмайдиган бўлиб оладилар. Уларнинг бу сохта касалликлари ўзларига зарар келтиради.

“Ким Роҳманнинг эслатмасидан шабкўр бўлиб олса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас, у унга доимий ҳамроҳ бўлур”.

Ким Аллоҳнинг зикридан ва эслатмасидан ғофил қолса, ўзини билмаганга, кўрмаганга солса, уни шайтон миниб олади. Ундай одамнинг энг яқин дўсти шайтон бўлади. Шайтон ундан ҳеч ажралмайди, доимо васвасага солиб юради. Бу ҳол эса, энг ёмон оқибатга олиб келади.

Суфён ибн Уяйна раҳимаҳуллоҳ: “Арабларнинг ҳар қандай машҳур мақолини айтсанглар, Қуръондан унинг ўхшабини келтираман” дедилар. Шунда бир киши: “Биродарингга хурмо бер. Агар қабул қилмаса, ёнаётган кўмир парчасини бер” (яъни, биродаринг яхшилигингни билмаса, қадрига етмаса, ундай кимса ёмонликка лойиқдир) деган мақол Қуръоннинг қаерида бор?” деб сўради. У зот: “Аллоҳ таоло: “Ким Роҳманнинг эслатмасидан шабкўр бўлиб олса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас, у унга доимий ҳамроҳ бўлур” деган” деб жавоб бердилар.

Шундай экан, келинлар азизлар, барчамиз Аллоҳнинг Ўзига бандалик қилайлик, Уни яхши кўрайлик, доим Унинг зикри билан, тоати билан машғул бўлайлик. Ана шунда ҳақиқий ҳурриятга эришамиз. Зеро, Аллоҳга чинакам қуллик – чинакам ҳурликдир.

Манбалар асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади